

5-5-2020

## PARALLEL CHRONOTOPE POETICS IN THE NOVEL «THE DAY LASTS MORE THAN A HUNDRED YEARS»

Bahor Turaeva PhD, an Associate professor  
*Uzbekistan State University of World Languages*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>



Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

---

### Recommended Citation

Turaeva, Bahor PhD, an Associate professor (2020) "PARALLEL CHRONOTOPE POETICS IN THE NOVEL «THE DAY LASTS MORE THAN A HUNDRED YEARS»," *Philology Matters*: Vol. 2020 : Iss. 1 , Article 2.  
DOI: 10. 36078/987654413  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2020/iss1/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).



## Баҳор Тўраева

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети  
доценти в.б., филология фанлари бўйича фалсафа  
доктори

### «АСРНИ ҚАРИТГАН КУН» РОМАНИДА ПАРАЛЛЕЛ ХРОНОТОП ПОЭТИКАСИ

#### АННОТАЦИЯ

Жаҳон адабиётшунослигида хронотоп асар воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги ва жадаллигини ифодаловчи композиция унсурини, образларни тавсифловчи ҳамда муаллифнинг дунё тузилиши ҳақидаги тасавури, дунёқараши, олами қай даражада идрок қилишини акс эттирувчи адабий-эстетик категория сифатида талқин қилинмоқда. Жаҳон илмий-назарий тафаккурининг кейинги юз йиллик тараққиётида хронотоп борлигини акс эттиришнинг поэтик воситаларидан бири ҳамда ёзувчининг ижодий нияти ва асарнинг ғоявий концепциясидан келиб чиқиб, сюжетни юзага чиқаришда, композицион қурилишида, реал ҳаётнинг воқелик манзарасини инъикос эттиришда асос бўлган адабий ҳодиса сифатида баҳоланган. Хронотоп асарнинг тасвир объекти ва субъекти сифатида муаллиф яратган адабий олам манзарасини яхлит идрок қилиш имкониятини таъминлайди. Замонавий романларда бадий эпиклашган ҳаётнинг далиллар, воқеаларни бир макон ва бир замон, бир макон, турли замон, бир замон турли маконда яшаган ёзувчилар ижоди мисолида индивидуаллик ва қиёсий-типологияк умумлашмада таҳлил қилиш ҳозирги адабиётшуносликнинг вазибаларидан биридир.

Тадқиқот мақсади параллел хронотоп шакллари Чингиз Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» романи мисолида илмий-таҳлилий ва назарий умумлаштиришдан иборат.

**Калит сўзлар:** хронотоп, назарий, амалий ва умумий ёндашув, замон ва макон категорияси, микроолам, макроолам ва мегаолам хронотопи, Чингиз Айтматов, ёзувчи услуби, руҳият талқини.

## Bahor Turaeva

PhD, an Associate professor of UzSWLU

### PARALLEL CHRONOTOPE POETICS IN THE NOVEL «THE DAY LASTS MORE THAN A HUNDRED YEARS»

#### ANNOTATION

Chronotope is being concerned as the literary-aesthetic category in the world literature critical studies, expressing the scope of the universe interpretation, the author's outlook and imagination regarding the world foundation, defining personages, the composition means of expressing the sequence and duration of the events. In the following development of the scientific-theoretical thought in the world, a chronotope is accepted to be one of the poetic means to demonstrate the reality as well as to be a literary process that is basic for the expression of the reality in the compositional construction and illustration of the plot relying on the writer's intention and the ideological conception of the literary work. The chronotope enables to cognate the literary world picture created by the author in terms of the descriptive subject and object of the work. Some of the topical tasks of contemporary literature are to analyse the fictional epic real evidences comparatively, typologically and individually in the writers' works exist in the same time and space, in the same space and different time, in the same time and different spaces.

The aim of the research is to generalize the chronotope forms scientific-analytically, comparative-typologically and theoretical on the examples of Chingiz Aitmatov's "The Day Lasts More than a Hundred Years".

**Key words:** chronotope, theoretical, practical and general approach, the category of time and space, microworld, macroworld and megaworld chronotopes, Chingiz Aitmatov, the writer's style, the depiction of spirituality.

## КИРИШ

Бадиий асар структураси, сюжет ва композициясини уюштирувчи, эпик матн майдонини шакллантирувчи, бадиий воқеликнинг тугал яхлитликда қабул қилинишини таъминловчи хронотопнинг ижодий теран ўзлаштирилиши асарнинг эстетик табиатини тушунишда ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Зеро, хронотоп асарнинг барча унсурларини қамраб олар экан, воқеалар сил-силаси, қахрамонларнинг кайфият-кечинмаларини унинг тасвирисиз кўрсатиб бўлмайди. «XX аср охири XXI аср бошларида адабиётшуносликда хронотоп адабий-эстетик ҳодисасига назарий, амалий ва умумий ёндашув пайдо бўлди:

1. Назарий ёндашувда замон ва макон категорияси моҳиятини тушуниш, унинг аҳамияти, роли, бадиий асардаги вазифаларининг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилади.

2. Амалий ёндашувда хронотоп назарияси алоҳида ёзувчи ижоди мисолида ўрганилади.

3. Умумий ёндашувда вақт ва макон асарнинг барча компонентлари, бадиият мезон ва маромлари билан узвийликда таҳлил қилинади» [Темирболат А., 2012; 6-10].

## МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Жаҳон адабиётшунослигида хронотопнинг илмий-назарий муаммолари Европа (Н.Мeyerhof, А. James, W. Heffernan, A. Rodriguez, M. Vukanovićand, L. Grmuša, N. Bemong, P. Borghart, J. Culler, M. Atkins, S. F. Bernhard), рус (М.Бахтин, Д.Лихачев, Н.Гей, Н.Шутая, А.Николаев, З.Тураева, Б.Мейлах, Е.Мелетинский, В.Хализев, И.А. Кудряшов) ва ўзбек (Н.Шодиёв, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, Э.Абуталиева, А.Тўйчиев, Д.Қурононов, Ғ.Муродов, У.Жўрақулов, А.Носиров, А.Тўйчиев, С.Мирзаева, К.Қодиров, М.Умарова, У.Қаршибаева, Ў.Назаров) олимларининг тадқиқотларида ёритилган. Жумладан, Ҳ.Меергофнинг «Адабиётда замон» китобида Марсел Пруст, Джемс Джонс, Томас Манн ва Томас Вулф асарларида замоннинг фалсафий муаммолари қандай қўйилганлиги ва ижодий-индивидуал ечими умумлаштирилган бўлса, М. Vukanovićand, L. Grmuša тадқиқотларида романда хронотоп, эпик макон ва эпик замон муносабатларининг ички ўзига хос боғлиқликлари назарий-таҳлилий ўрганилган. Д.Лихачев қадим рус адабиётида хронотоп поэтикаси, унинг субъектив аспектларини, М.Бахтин бадиий ўзлаштирилган замон ва маконнинг эстетик ўзаро алоқадорлигини, яъни бадиий асарда замон белгиларининг маконда намоён жиҳатдан, макондаги нарса-предметлар замонда идрок этилишини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этганлар.

## НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

«Асрни қаритган кун» романида хронотоп сюжет, композиция, мотив, образ, детал, услуб сингари поэтик компонентларнинг семантик-структурал муносабати доирасида қўрилганлиги боис А.Темирболат назариясига асосан умумий ёндашувга таянилди.

Роман сюжетининг қурилиши анъанавий ва параллел хронотоп шакллари-

га мос келади:

1) анъанавий хронотоп – бадий макон ва замон бир даврга тааллуқли бўлиб, вақт хронологик тартибда тасвирланади, табиийки, сюжет ҳаракати билан макон тасвири ўзгариб ёки такрорланиб боради. Воқеалар муайян вақт оқимида кечади. Тўғри, бундай хронотопда матн бадий концепцияси, сюжет талабига кўра, муайян эпизодларда бошқа (олдинги ёки кейинги) даврга «кўчиш»и мумкин. Бундай эҳтиёж туғилган пайтда муаллиф ретроспектив ёки қолиплаш усулидан фойдаланади: «Поёнсиз, ҳайҳотдай Сарийўзақ даштини кесиб ўтишар экан, у йўл бўйи Казангапни ўйлаб боради. Хеш-аждодлар қабристониди дўстини тупроққа узатаётганида ҳам хаёли фақат марҳумда бўлади. Ҳа, шарт шундоқ бўлган. Йўлнинг узоклиги ёки яқинлигидан қатъи назар, ҳеч ким, ҳатто марҳумнинг ўз ўғли ҳам унинг сўнгги хошиш-иродасини бажаришдан бўйин товлай олмайди...» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 42]. Воқеалар меҳвариди Эдигей образи қўйилиб, ҳар бир сюжет чизигини ўзида туташтирган. Эдигей Бўроннинг Казангапни дафн этиши воқеаси «ҳикоя ичида ҳикоя» шаклида жами воқеликни ўзида қамраб, сюжет ретроспекция усули орқали бош қаҳрамон хотиралари асосида қурилган;

2) ёнма-ён (параллел) хронотоп – бадий матнда бир нечта хронотоп ифода топади. Ҳар бир замон-макон ҳудудида алоҳида образлар тизими, бадий зиддият, сюжет майдони мавжуд бўлади. Бадий концепция ижодкор дунёқараши, ҳаёт, инсон, тарих, борлиққа муносабати, қарашлари ушбу ёндош замон-макон бирликларини ўзаро боғлаб, бирлаштириб туради [Karsten A. Chronotopes in writing. <https://psyjournals.ru> Karsten; Nazarov O'., 2014; 36].

50-йиллар воқеалари узок ўтмиш воқеалари билан параллел, яъни мустамлакачи давлатнинг замона манкуртлари қўли билан халқ бошига аянчли кунларни солишини узок ўтмишда жунгжанларнинг найман йигитларини манкурт ҳолига тушириши билан ёндош тасвирланган. Параллел хронотопни қўллашдан ёзувчининг мақсади шуки, Жўломон онгсиз, шуурсиз ҳолда ўз онаси, замонавий манкурт эса ўз халқи кўксига камон отганини бадий ифодалаш эди.

«Она Байитни ер билан яксон қилишларига йўл қўйиб бўлмайди! Ахир, бу ерда тарих ётибди.

– Буларнинг бари эски чўпчаклар, тушунсанг-чи, Эдике. У ерда оламшумул, коинотга доир масалалар ҳал этилади, биз бўлсак қандайдир бир қабристон хусусида шикоят қилиб борамизми. Бунинг кимга кераги бор? Улар учун бу – тфу!

Эдигей чол бу ҳақда ўйлаган сари, зилдай хаёллардан баттар хуноби ошди, боши берк кўчага кириб бораверди.

– Сен манкуртсан! Ҳақиқий манкурт! – Собитжондан нафратланиб ва ачиhib ичида шивирлади у» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 425-426].

Аждодлар хотирасини сақлаб қолиш учун Эдигей Жонгелдиннинг илтимосини Собитжон юзсизларча рад этади: «чўпчакка ишониб, шамолга қарши борсам, орқамга тепиб ҳайдайдилар» жавоби билан инсоний кадр-қимматини идрок этолмаган манкурт қиёфасини намоён қилади.

« – Мени танияпсанми? – сўради она.

Манқурт йўқ дегандай бош чайқади.

– Отинг нима?

– Манқурт, – деди у.

– Сени ҳозир шундай аташади. Аввалги отинг эсингдами? Асли исмингни эслаб кўр-чи.

...Она манқурт ўғлига қараб туриб, қуёш, худо ва ўзи тўғрисида тўқиган машҳур марсиясини айтди:

*Туллубин келиб искаган,*

*Бўтаси ўлган бўз мояман.*

Она қалбидан отилиб чиққан дод-фарёд оҳанги кимсасиз, ҳад-худудсиз Сарийзак чўлини ларзага солгандай янграб турди... Бироқ бу нола-фарёд манқуртнинг тўпиғига ҳам чиқмади» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 176-177].

Замон ва маконда фарқли икки манқурт: Собитжон ва Жўломон образлари қиёсланган. Китобхон қисмат қаттоллиги Жўломонга шу тақдирни раво кўрганига ачинса, ҳақиқий манқурт Собитжондан нафратланади. Муаллиф манқурт хронотопига Абутолиб Қуттибоевни феодал ўтмиш ёзувчиси сифатида ноҳақ айблаган чағиркўз Тансиқбоев образини параллел қўяди. Ўз миллатдошига душман кўзи билан қараган, ҳукумат қоралашга буюрдими, албатта, уни ёмонотлик қилиб, дахли бўлмаган сиёсий айбловларни ёпиштирмоқчи бўлган чағиркўз Тансиқбоев Эдигейнинг «шунақа ёзувлар учун ҳам одамни камаш мумкинми» саволига «душманни нега таъқиб этамиз, қанақа муомала қиламиз, қандай жазолаймиз – буни ўзимиз биламиз» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 244] жавобини беради.

Инсоният тараққиёти ва унинг мажудлигини олимлар уч босқич асосида изоҳлайдилар: мегаолам, макроолам ва микроолам. Буларнинг ҳар бири ўзига хос замон ва макон ўлчовлари билан характерланади.

Биринчиси: космик сайёрамиздан иборат. Бу галактикаларнинг, осмон тизимларининг ва ёриткич (юлдуз)ларининг вақт-макон ҳаракатларини ўзида муҷассамлаштиради.

Иккинчиси: инсоннинг ер юзидаги ҳаёти билан боғлиқ. Замон ва макон одамларнинг реал ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни қамрайди.

Учинчиси: инсоннинг ички оламини ифода этади. Ушбу босқичда хронотоп категорияси кишининг ҳиссиёт ва фикрлари кечишини характерлаш учун хизмат қилади.

Ҳар уч босқич муштарак бўлиб, мегаоламда кечадиган ўзгаришлар макро ва микрооламга таъсир қилади [Темирболат А.Б., 2009; 15]. Тасаввуф адабиётида инсон жисми коинотга ўхшатилади. Инсон бу, олами асгар – кичик олам бўлса, коинот эса олами акбар – катта оламдир [Ҳазрат Мавлоно Шайх Зулфиқор Аҳмад

Нақшбандий ҳафизахуллоҳ].

*Сувратингда – олами асгар ўзинг,  
Маъни ичра олами акбар ўзинг*  
[Sayyid Ne'matulloh Ibrohim. Rumiyoṅa].

Чингиз Айтматов романларида мегаолам, макроолам ва микроолам ёндош қўлланилган. Коинот ичра кичик коинот бўлмиш инсоннинг руҳий кечинмаларини кўнгил, жамият ва коинот миқёсида тасвирлай олган. «Асрни қаритган кун» романида иккинчи жаҳон уруши ҳамда ундан кейинги давр воқеаларининг мавзу сифатида танланиши; эслаш усули асосида қаҳрамон ўтмишида рўй берган воқеаларни тасвирлаш; севги, хиёнат, айрилиқ, ўлим, йўқотиш мотивларининг уйғунлиги; фашизмнинг ҳарбий жиноятлари ва қатағоннинг даҳшатлари яхлит замон-маконда тасвирланган. Романда бадий замон иккинчи жаҳон уруши ва урушдан сўнгги давр, бадий макон эса Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли вилоятлари.


Ҳар қандай масофа Гринвич меридиани билан ўлчангани каби романда масофа темир йўл билан ўлчанишини ёзувчи таъкидлаб, «Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради» жумласини ўн бир марта, «Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...» жумласини саккиз марта қўллайди. Ёзувчининг ижодий нияти шундаки, зоҳирий маънода воқеалар рўй бераётган макон Сариўзак даштидаги темир йўлга ишора қилинса, ботиний маънода бадий замон инсон умрининг югуриклиги, ўткинчилиги поездларнинг шиддатли ҳаракатланишига менгзалади.

Ч.Айтматовнинг «Асрни қаритган кун» романида Эдигей Жонгелдин ва унинг хотиралари акс этган бўлиб, эслаш, яъни ретроспекция усули орқали қаҳрамонлар ўтмишларини баъзан маҳзун, баъзан шодон хотирлашади. «Эслаш усули руҳият тасвирида асар персонажларининг муайян ҳолатлардаги ўй-фикрларини, хатти-ҳаракатини ўтмиш воқеалари билан боғлиқликда асослаш вазифасини ҳам адо этади. Айрим ҳолларда бу усул персонажнинг ўй-мулоҳазалари, онг оқими билан боғлиқликда қўлланади. Бундай ҳолларда эслаш усули персонажнинг ўта мураккаб руҳий ҳолатидан, унинг онги ва қалбида кечаётган аччиқ руҳий изтиробларни сўндириш, барча қилмишларида ўзини тўла ҳақ эканлигини исботлаш учун хизмат қилади» [Исаева Ш., 2001; 36].

«Она Байит сари боришар экан, Эдигей шу аснода турли хаёлларга ғарк бўлди. Уфқ узра бош кўтара бошлаган қуёш ҳаёт оқимини ўлчаб, бўлиб ўтган жамики турмуш аччиқ-чучукларини эслатди унга. Эдигей Казангап билан ўтказган ёшлик йилларини эслаб кетди» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 116]. Бир куннинг бир асрга татигани, яъни васиятига биноан марҳум Казангапни Она Байит қабристониغا элтар чоғида Эдигей Бўрон ўз ҳаёти, Уккуболаси ва қизлари, кейинчалик умр йўлининг Казангап билан туташуви, урушдан контузия бўлиб қайтганида Казангап ва Бўкейнинг беминнат ёрдами туфайли Сариўзак даштига

келиши, Абутолиб ҳамда Зарифанинг аччиқ қисмати, Зарифани телбаларча севиб қолишини бирма-бир хотирлайди. «Асрни қаритган кун» – ғоявий-бадий юксак асар. Унинг бадий сюжети ва композицион тузилиши ҳам кенг кўламли ва шу билан бирга ғоятда ихчам бўлиб, биз унда кўпгина воқеа-ҳодисаларни ўз ичига олган сюжет чизиқларини, параллел хронотопни кўрамиз: Эдигей – Казангап, Эдигей – Абутолиб, Эдигей – Елизаров, Эдигей–Собитжон, Эдигей – Уқкубола, Эдигей – Зарифа, Эдигей – Қоранор, Эдигей ва кекса оқин Раймали оға, бошқалар – буларнинг ҳар бири ўзича тугал, ўзича мукамал бир қисса бўлиб, ҳар бир персонажнинг ички ва ташқи ўз микроолами, дунёқараши табиий, ишонarli бир тарзда очиб берилган [Рашидов А., 2011; 177].


Романда воқеаларни бир-бирига туташтирувчи микроолам, макроолам ва мегаолам хронотоплари параллел бўлиб, булар яна кичик хронотопларни ўзида камрайди:



1-расм. Параллел хронотопнинг тафаккур харитаси асосидаги тасвири.

1. Эдигей ва Зарифа – Раймали оға ва Бегимой – Қоранор туя микроолами хронотопи: Абутолиб Қуттибоев ноҳақ айбланиб, вафот этгандан сўнг Эдигей Бўрон бева Зарифани севиб қолиши натижасида икки ўт орасида қолиши, ўз Уқкуболасидан ҳам воз кечолмаслик, Зарифа кетиб қолгач, унинг қалб изтироблари «Раймали оға ва Бегимой» афсонаси ҳамда Қоранор туя саргузаштлари билан ёндош тасвирланиб, ўткир драматизмнинг ҳосил қилиниши.

Ёзувчи эътироф этганидек, ҳаяжонга солган муаммолар марказига Эдигей Бўронни кўяди ва унинг қалбидаги эврилишларини янада ёрқинроқ тасвирлаш учун Қоранор туя ҳамда Раймали оға образларидан иборат триададан фойдаланади.



2-расм. Рухият манзараларининг микроолам хронотопи оркали ифодаланиши.

«Эдигей Раймали оғанинг ўша севги саргузаштлари билан ўзининг туйғулари орасида қандайдир ҳамоҳанглик, қандайдир муштарак дард борлигини ҳис қилиши» ҳамда уларнинг қалбидаги руҳий пўртанани таъсирли ифодалашда ёзувчи параллел хронотопни қўллайди. «Раймали оға ва Бегимой» афсонасидаги мудҳиш тақдир Эдигей ва Зарифанинг замони ва маконидан буткул фарқланса-да, уларни ички хронотоп бирлаштиради. «Раймали оға олтмишдан ошганда Бегимой исмли гўзални севиб қолади. Умримнинг қиш фасли кириб келётган пайтда нега бунча сулув қилиб яралдинг?!...дийдорингни кўрсатиб, овозингни эшиттириб, азобли роҳатга дучор этгани Тангрининг қасосими бу», дея қизга зорланганда, Бегимой тап тортмасдан «чексиз меҳр-муҳаббатим, севги-садоқатиму дилрабо қўшиқларим билан сени маҳлиё қилиб, хузур бахш этолсам – бас, дунёда бундан ортиқ бахт йўқ» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 354], дейди. Бемаврид севги сабаб Раймали оға мансуб Барақбой уруғи улуғлари ва укаси Абдилхон уни телбага чиқаришади. «Сизлар гумроҳлардирсизлар.... дунёда ҳақиқат қаердаю бахт қаерда эканлигини кўрмаётирсизлар. Ахир, куй қуйилиб келса, куйламоқнинг нима айби бор? Ҳаёт менга умр шомиди севги ҳада этган бўлса, севмоқнинг нима уяти бор?» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 362]. Раймали оға куй-қўшиқлари ва феъл-атвори билан уларни безовта қилмаслик учун Бегимой билан бошқа ўлкаларга бош олиб кетишини айтганда, Абдилхон кўп йиллар куйлари билан инсонлар қалбини маҳлиё этган дўмбирани синдириб, оти Саралланинг бўғзига пичоқ тортади. Кекса оқиннинг эса қўлларини орқасига қайириб, қайинга боғлаб қўяди:

*Олатовдан кўч келар, кўч келганда  
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.  
Рухдай енгил фалакка учиб кетгум,*

*Сени суйиб васлингга қачон етгум* [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 366].

Улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаса-да, Эдигей ва Раймали оғанинг севги саргузаштлари муштараклик касб этган.



Адибнинг маҳорати шундаки, асарда жонивор ва инсон ҳолати ёндош тасвирланган: «қутурган Қоранор бечораларга тинчлик бермас, урғочи туялар атрофида елиб-югуриб, кимдандир қизғанаётгандек ғазаб билан ўқирарди. Наҳотки, осмондаги булутлар орасидан аранг шуъла таратаётган ойдан қизғанаётган бўлса?» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 331]. Эдигей қалбидаги дард ўзини қўярга жой тополмаётган, қўш ўрқачли Қоранорга кўчирилади. Коспанинг «туя ҳаммаёкни даҳшатга солди-ку. Нор туяларимизни майиб қилиб, энг яхши учала урғочи туямизни олиб кетди... Дунёга келиб, бундай ёвуз йиртқични кўрмаган эдим. Қишлоғимиз одамлари кўркувдан эси чиқаёзди. Бу балодан кутқармасанг, Қоранорни отиб ташлайман» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 316] қабалидаги хатидан сўнг Эдигей Оқмўйноққа йўл олади. Зарифа шу кунни болаларини олиб, Сарийўзакдан бутунлай кетади: «Буларнинг бари сенинг касофатингдан! Ҳа, ҳаммасига сен сабабчисан... Овлоқ жойларда илиқиб юришинг шартмиди? У эса болаларини олиб кетиб бўлди! Не кунларга қолганим билан ҳеч бирингизнинг ишингиз йўк! Энди мен қандай яшайман? Қандай яшайман?» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 341] «...Шунда у қорга чўкди-да, бошини чангаллаганча йиғлаб юборди... Севимли аёлингдан, суюмли болаларингдан айрилиб яшаган умринг курсин, бундай умрнинг маънисини йўк, дегандек миллионлаб қор учқунлари ҳавода майин шитирлаб, қулоғига гапираётгандек туюлди. Эдигей шу ернинг ўзидаёқ қор остига кўмилиб, ўлишни афзал кўрди» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 342]. Қаҳрамон ҳис-туйғуларининг бутун мураккаблиги, зиддияти, кўзга кўринмас, сирли жиҳатларини бадий талқин этиш, ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишларни ифодалашда нафақат жонивор, балки пейзаж тасвиридан ҳам унумли фойдаланган. Қор – рамзий маънода Эдигей Бўрон қалбидаги ишқ. Шу онда у бир умр қалбида туғён ураётган дард билан қолишни ва шу дард қуюнида кўмилиб ўлишни афзал билди.



3-расм. Учта сюжет чизиғининг параллел хронотоп асосидаги пирамидаси.

2. Собитжон – Жўломон макроолам хронотопи: марҳум отасининг васиятига беписанд қараган, ҳатто мотам маросимида халал берган Собитжоннинг шу қадар тубанлигини жунжанглар қўлида асир тушган ва хотирасидан бутунлай маҳрум этилган Жўломон образи билан параллел тасвирланиши, яъни Собит-

жон билан боғлиқ сюжет чизиғига Найман она чизиғининг туташуви.

Мархум Казангапни Она Байит қабристонига дафн этишда ўғли Собитжоннинг «Ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши.... Ўлган одамга қаерга кўмилишнинг нима аҳамияти бор? Бундай маҳалда иш қанча тез битирилса, шунча яхши!» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 35], дея идорадаги қолиб кетаётган шошилинич ишларини рўқач қилганида, Бўронли бекати аҳолиси, айниқса, отасининг кадрдон дўсти Эдигей Бўроннинг ғазабини кўзгатади. «Ойзодасидан ҳам, ўғли Собитжонидан ҳам, минг фарзанд бўлгани билан ҳеч бир наф йўқ. Мана кўрасан, ҳаммаси келишади, келмай қаёққа ҳам боришарди, аммо келганда ҳам меҳмондай бир чеккада қўл қовуштириб туради» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 16] таъкиди орқали ёзувчи Ойзода ва Собитжон характериға Эдигей нигоҳи орқали разм солади. Китобхонни келгусида рўй бериши муқаррар мудҳишликларға тайёрлайди. Эдигей Бўроннинг «Бир қарашда кирови йигит.... Уни интернатда ўқитишди, институтда ўқитишди, лекин одам қилишолмади.... Хуллас, пуч ёнғоқ чиқди, Казангапнинг тирноғига ҳам арзимайди.... отасига тортмади» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 25]. таърифи, Эдилбой Дарознинг «Фалон каттакон билан бирға бўлдим, унга фалон гапни айтдим» деб мақтангани мақтанган, «уззукун телефон олдида ўтириб, «Эшитаман, Алжапар Қаҳрамонович! Хўп бўлади, Алжапар Қаҳрамонович! Ҳозир, Алжапар Қаҳрамонович! дейишдан бошқа нарсаға улгурмас.... Бўлган тургани шу бўлса, нимаям қиларди.... Фақат Казангапға ичинг ачийди» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 30] каби кўйинчак мулоҳазалари Собитжон характерини, шу билан бирға худди унингдек минглаб ота-онасига бемехр инсонлар типини очишға хизмат қилган. Областда ким қайси вазифада ишлайди, кимни ишдан олиб, кимнинг амалини оширишгани тўғрисида гап сотиб одамларни чалғитаётган, маросимға хотини ва болалари келмаганидан заррача хижолат тортмаган Собитжонға Эдилбой «Шошилаётган бўлсанг, ушлаб турганимиз йўқ. Мен сенинг ўрнингға бир ҳовуч тупроқ ташлаб қўяман!» дейди. «Менинг отам, нима қилсам, ўзим...», дея чайналганда, Эдилбой унинг гапини шартта кесиб, «Ота-ку сеники, сенинг ўзинг ўзингники бўлмай қолибсан» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 42], деб юрагидаги очиқ айтади. Муаллиф покдомон Казангап хотини Бўкей билан болаларини ҳалол едириб-ичириб, тарбия қилишса-да, Собитжон бу қадар субутсиз бўлиб улғайганиға сабаб бўлган омилни романнинг саккизинчи қисмида Абутолиб ва Собитжоннинг онаси Бўкей тилидан баён этади. «Оилада бирор ишқал бўлмаса, ҳеч ким боласини интернатға бермайди. Интернат болани оиладан, ота-онадан ажратиб қўйиши, узоклаштириши» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 242] ҳақидаги Абутолибнинг фикрларига терговчи Тансиқбоев сиёсий тус бериб, коллектив тарбияға қарши, дея ҳукм чиқаради. «Болам интернатға борди-ю ўзгарди-қолди, бутун ўй-хаёли билан уйға боғланган бояги бола эмас, аввалгидай ота-онанинг ҳурмати қолмади» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 242], дея Бўкей эри Казангапға зорланади. 50-йилларда мустамлакачилар ёш авлод қалбидаги ватанға, ота-онаға меҳр-муҳаббат, иймон-диёнат сингари абадий кадриятларни ситиб чиқаришға ҳаракат

қилишган. Ўзлари учун хизмат қилувчи замона манқуртларини тарбиялашган. Бўкей ўзининг оналик қалби билан, Абутолиб эса ўз даврининг зиёлиси сифатида бу машғум ҳолатнинг моҳиятини илғашган.

«Найман она» афсонасидаги Жўломон образини айнан Собитжон ва ўша даврда махсус тарбияланган замонавий манқуртларга ёндош қўллайди. Замон ва маконда фарқланса-да, мазмун-моҳият бир хил, фақат ёндашув турлича. Жунгжанглар янги сўйилган туянинг энг қалин ва энг оғир бўлган бўйин терисини бўлакларга ажратиб, ҳовури чиқиб турган ёпишқоқ терини тутқуннинг тақир бошига ёпиштиришади ва жазирама чўлга элтиб ташлашади. Иссиқда тери торайиб, буткул бошга ёпишиб, мияни чидаб бўлмас даражада сиқиши натижасида кўплари ўлиб кетар, тирик қолганлари ҳам хотирасидан тамоман айриллар эди. Жунгжангларда «ҳатто шундай қоида бор эдики, ўзаро тўқнашувларда ўлдирилган битта манқурт учун бошқа эркин тутқунга нисбатан уч баробар ортик ҳақ ундириб олинарди» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 159]. Онгсиз, идроксиз манқуртнинг баҳоси нега юқори баҳоланган? Манқурт худди ит каби фақат эгасини танийди, хўжайинининг амри у учун ҳам фарз, ҳам қарз. Қорни тўйиб, дашт совуқларида қотиб қолмаслик учун кийим бўлса, бас. Ҳеч қачон ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилмайди, исён чиқармайди. Ўзига топширилган ишни ўлар-нетганига қарамай, бекаму кўст бажаради. Ҳар бир қул сиймосида исён яширинган, фақат манқуртгина бундан мустасно.

Найман уруғидан бир аёлнинг фарзанди Жўломон ҳам шу куйга солинади.

« – Ердан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш мумкин,...бирок одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан, бунга кимнинг қўли борди экан?!...Ер юзида усиз ҳам ёвузлик каммиди?» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 177]. Найман онанинг нолаи фиғонлари, аччиқ аламлари хотирасидан маҳрум этилган ўғлига заррача таъсир қилмайди. Ҳатто бир жунгжангнинг «у сенинг онанг эмас, сенда она йўқ, телпагингни сидириб олиб, бошингни қайноқ сувга солгани келган» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 182].деган гапидан қаттиқ кўрққан манқурт ўз онаизори кўксига камон отади. Найман она туясидан қуларкан, бошидаги оқ рўмоли учиб кетиб, қушга айланиб, чирқирай бошлайди: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 185]. Ўғлига у манқурт эмас, оти Жўломон эканлигини, йўлда туғилгани учун шунақа исм қўйишганини, отасининг оти Дўнанбой эканини қайта-қайта таъкидлашдан онаизорнинг ёлғизгина умиди унинг хотирасини тиклаш эди. Вафот этгандан сўнг ҳам бошидаги рўмоли қушга айланиб, саҳрода ҳали-ҳанузгача нола қиларкан.

Ёзувчи бу ҳолатни шундай эътироф этган: «Мустабид тузум ҳукм сурган даврда бутун жамиятга, сен билан менинг, ҳаммамизнинг дунёқарашимизга мафкуравий шири кийдириб қуйилди. Шу йўсин ҳамма ва ҳар бир киши қаттиқ бўйинтуруқ асосида ягона тузум манфаатларига итоат эттирилди. «Асрни қаритган кун» романимнинг хомаки режаси шу асосда юзага келган» [Айтматов Ч., Шохонов М., 1998; 75].

3. Абутолиб Қуттибоев ва лейтенант Тансиқбоев макроолами: 1943 йили немисларга асир тушган, бир гуруҳ кишилар билан Жанубий Бавариядаги концлагердан қочган ва Югославия партизанлари сафига келиб қўшилган Абутолиб уруш тамом бўлгунча, Югославия озодлик армиясида жанг қилган. Қирк бешинчи йил ватанига қайтгач, кўп марталаб текширув ва сўроқлардан сўнг она юрти Қозоғистонга қайтади. Зарифа билан турмуш куриб, мактабда географиядан дарс бериб юрган Абутолибни асирликдаги йиллари доимо таъқиб этар, қаерда ишламасин, бўшаб кетишга мажбур эди. Эллик биринчи йилнинг қаҳратон кишида Сариўзак даштининг Бўронли бекатига келишади. Аммо 50-йиллардаги шахсан Сталин бошчилигида ҳарбийлаштирилган махсус органларга таянган ҳолда амалга оширилган оммавий қатағон уни ҳам четлаб ўтмади. Абутолибнинг фарзандлари учун ёзган кундалиги чағиркўз Тансиқбоевга сиёсий хато топиш учун қўл келди, «ўтмишни душманлик руҳида хотирлади», деган мантиқсиз айбни кўяди. Абутолиб Эдигейга болалари учун ўз хотираларини мерос қолдираётганини изтироб билан айтганди: «Бу ёзганларим менинг руҳимгина холос, уларда урушда кўрган-кечирганларим жамланган. Болаларимга қолдирадиган бошқа бойлигим йўқ» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 204]. «Найман она», «Раймали оға ва Бегимой» афсоналари, қорақалпоқ, қозоқ халқ кўшиқларини тўплаганлигини ўтмишни идеаллаштириб кўрсатиш дея баҳолади, уни ноҳақ айблаб, қаматди. Болаларисиз, Зарифасиз яшай олмаган Абутолиб бевақт вафот этади. Ёзувчи Абутолибни олиб кетишаётгандаги манзарани ўз бошидан кечирган. Демак, асарга ёзувчининг биографик қирралари маҳорат билан сингдирилган. Эрмак ва Довул сингари отаси Тўракул билан ҳам айнан поезд қаршисида видолашган эдилар. «1937 йил августининг охири кунларида...отам бизни Қозон вокзалидан кузатди...Онамнинг юм-юм йиғлаётган ҳолати, отамнинг чимирилиб турган ғамгин қиёфаси худди кечагидай кўз олдимда турибди... Отам бўлса энди ўрнидан кўзгалган поезд билан бирга аввал секин юриб, сўнг чопиб тенглашиб келар, тинимсиз қўл силкитар эди.... Мен купедаги каравотнинг юқори қаватида эдим. Ҳамма воқеани сезиб турдим. Бир-биримизни бундан кейин кўра олмаслигимизни-да ҳис этардим. Кутилмаганда ҳўнграб йиғлай бошладим. Кўзга ботгулик қоронғи тунни ларзага солиб, ўксиб-ўксиб йиғлаб ётдим» [Айтматов Ч. Болалигим, 2008; 20-21].

«– Бўлди энди, етар, бўл деяпман сенга! – Йигитлар иккаласи (Абутолиб ва Эдигей – таъкид бизники Т.Б.)ни икки томон тортқилашди. Улар орқадан елкалари билан сурганча Абутолибни вагонга киргизишди. Мана шундагина болалар видолашувнинг даҳшатли моҳиятини фаҳмлаб қолишди. Улар бараварига чинқириб йиғлаб юборишди:

– Атика! Ата! Атика! Ата!

Болалар чинқириб йиғлаганда жони ачиб кетган Эдигей Абутолиб билан бирга қамалиб кетишга ҳам рози бўлиб, йўлда бораётганда чағиркўзни ўз қўлларида бўғиб ўлдиришга тайёр эканлигини ҳеч ким хаёлига келтирмади» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 249]. Сталин шахсига сиғиниш йиллари Марказий Осиё халқлари бошига оғир кулфатлар солди. «40–50-йилларда тас-

лимчиларга, антисоветларга қарши кураш баҳонасида кўплаб юртдошларимиз катагон домига тортилди» [Шамсутдинов Р., 2007; 5]. Энг ачинарлиси, суронли йилларда айнан халқнинг ор-номуси, виждони, ақл-заковатининг тимсоли бўлган, ўзида халқининг энг гўзал ва олижаноб фазилатларини мужассамлаштирган кишилар катагонга дучор бўлган эдилар.

4. Совет – Америка «Демидург» конвенцияси асосида космосга 1-2 ва 2-1 паритет фазогирларининг учирлиши ҳақидаги мегаолам хронотопи: самодаги сигнал асосида «аҳолиси ўн миллиарддан ошиқ, гоминидлари бир юз ўттиз ҳатто икки юзгача умр кўрадиган» Тўқайтўш сайёрасида ғайризаминий тараққиёт мавжудлиги кашф этилади. Юқори тараққиёт даражасига эришган Тўқайтўш сайёрасидагилар оғриқли муаммо – ичдан куйиб, емирилиш натижасида ернинг таркиби бузилиши сирларини аниқлаш ва юз бериши мумкин бўлган бу фалокатнинг олдини олиш мақсадида тинмай изланиш олиб боришаётган эди. «Зўрлик воситаси давлатни ва кураш воситаси сифатида урушни тасаввур эта олмайди»ган, «урушни сайёрадаги бутун коллектив онги ва тушунчасидан қатъий чиқариб ташлаш даражасига эришган», «Охирзамон» муаммоси ҳақида бундан миллиард йиллар илгари бош қотириб келишган, эндиликда эса Коинотда жамики мавжудотлар яшай оладиган янги база ташкил этишнинг космик лойиҳасини ишлаб чиқишаётган» [Айтматов Ч. Асрни қаритган кун, 2018; 130] ўзга сайёраликларнинг ерликлар билан учрашувини ташкил этиш масаласини БМТ ҳал қилиб беришини сўраб, паритет-фазогирлар Қўшмарбошга хат йўллашади. Қўшмарбош Тўқайтўшликлар билан муносабат ўрнатиш таклифини қатъиян рад этади ва 1-2, 2-1 паритет-фазогирларни Ер тараққиётига номатлуб шахслар сифатида «Паритет» самовий бекатида ва Ерга қайтиб келишларига йўл қўйилмайди. Ўзга сайёраликлардан Ер атрофидаги космик фазони асраб қолиш мақсадида «Чамбарак» деб аталмиш фавкулодда транскосмик тезликда операцияни амалга оширишади.

«Қадим замонларда иродаси кучли, жисмонан бақувват инсонлар бошга кийдирилган чамбарак воситасида ақл-идрокидан, маънавий дунёсидан маҳрум этилади, синдирилади. Бу – жузъий ҳодиса. Бир-бирини маҳв этишга тайёр турган икки тузум мафкуравий пойга натижасида коинотга чиқиб борсаю, ким-кимдан зўрлигини намоиш этиш мақсадида Ер юзига чамбарак кийдириб қўйишса, нима бўлади? Фожиа қамровидан, узоқ-яқинлигидан қатъи назар ҳар доим фожиа бўлиб қолаверади. Инсониятга хавф солиб турган ҳалокатдан огоҳ этиб қўйишни истардим» [Айтматов Ч., Шохонов М., 1998; 75]. «Чамбарак» деб аталмиш фавкулодда транскосмик тезликдаги операция, яъни ёзувчи эътироф этганидек, коинотга чиқиб, ким ўзарга Ер юзига чамбарак кийдириб қўйилиши манкуртнинг бошига туя терисидан қалпоқ тортилиши ғояси билан параллеллик касб этапти.

## ХУЛОСА

Параллел хронотоп романда синкретизмликни таъминлаган, яъни асосий сюжет чизиғига ёндош ҳолда бадий замон ва маконда турфа иккита афсона кел-

тирилган. Чингиз Айтматовнинг бадий маҳорати шундаки, икки бир-бирига зид Эдигей ва Собитжон характери афсонавий қаҳрамонлар билан таққослайди муштарак жиҳатларни туташтиради. Қаҳрамонлар руҳиятини тасвирлашнинг роман замон ва макон чегараларини кенгайтиришдаги аҳамиятини очиб беришда «Найман она», «Раймали оға ва Бегимой» афсоналарини қўллайди.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Aytmatov Ch. Asrni qaritgan kun. – T.: Yangi asr avlodi, 2018. – 431 b.
2. Aytmatov Ch. Bolaligim. Voqeyiy qissa. – T.: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2008. – B. 20-21.
3. Aytmatov Ch., Shoxonov M. Cho‘qqida qolgan ovchining ohu zori. – T.: «Sharq» nashriyot-matbaa konserni bosh tahririyati, 1998. – B. 75.
4. Isayeva Sh. O‘zbek tarixiy romanlarida xarakter ruhiyatini tasvirlash usullari: Fil.fan. nom....diss. – T., 2001. – B. 36.
5. Karsten A. Chronotopes in writing. Excerpts from a case study [https://psyjournals.ru/files/52801/tatigkeitsheorie\\_2011\\_n5\\_Karsten.pdf](https://psyjournals.ru/files/52801/tatigkeitsheorie_2011_n5_Karsten.pdf)
6. Rashidov A. Chingiz Aytmatov olami. – T.: «O‘qituvchi» nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2011. – B. 177.
7. Nazarov O‘. Romanda badiiy xronotopning o‘ziga xosligi. Monografiya. - T.: Turon zamin ziyo, 2014. – B. 36.
8. Sayyid Ne‘matulloh Ibrohim. Rumiyona. («Masnaviyi ma‘naviy»)dan olingan shohbaytlarga nazmiy sharhlar). II qism. <http://kh-davron.uz/kutubxona/islomiy-adabiyot/tasavvuf/sayyid-nematulloh-ibrohimi-rumiyona-02.html>
9. Temirbolat A. Kategoriya xronotopa v svete sovremennix nauchnix konsepsiy literaturovedeniya// mejdunarodnoy zaочноy nauchnoy konferensii «Filologicheskiye nauki v Rossii i za rubejom». – Sankt-Peterburg, fevral 2012 g. – S. 6-10.
10. Temirbolat A.B. Kategorii xronotopa i temporalnogo ritma v literature. Monografiya. – Kazaxstan: Almati, 2009. – S. 15.
11. Hazrat Mavlono Shayx Zulfiqor Ahmad Naqshbandiy hafizahulloh. Katta koinot va kichik koinot. <https://www.azon.uz/content/views/katta-koinot-va-kichik-koinot>
12. Shamsutdinov R. Qatag‘on qurbonlari (1937 yil 10 avgust – 5 noyabr). – T.: «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2007. –B. 5.